

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 4 (10)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Акрамова Фазилят Артикбаевна ПРОМЫШЛЕННЫЕ КАДРЫ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД: СТАНОВЛЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ	7
2. Karimjonov Jasurbek Muxtorjonovich O‘ZBEKISTONDA TARIXIY SHAXSLAR NOMIDAGI MUKOFOTLAR TA‘SIS ETILISHI: TAQDIRLASH JARAYONLARI	16
3. Кобзева Ольга Петровна АКАДЕМИК Э. В. РТВЕЛАДЗЕ - ЖИЗНЬ, ОТДАННАЯ НАУКЕ	25
4. Ктайбеков Саламат Маманович ВОЗРОЖДЕНИЕ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ И НОВЫЙ ЭТАП ВО ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ЯПОНИИ	34
5. Mamatqulov Bekzod Sherozovich O‘ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI: TARIXIY TAJRIBA VA NATIJALAR (1925-1991 YILLAR)	45
6. Маматова Махфуза Бахриддиновна ТОРГОВЛЯ ИНДИЙСКИХ ЧАЕВ В СРЕДНЕЙ АЗИИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX - НАЧАЛА XX ВЕКА)	54
7. Mirzayev Komiljon Mamirjonovich O‘RTA OSIYO ARXEOLOGIYASI KAFEDRASINING PAYDO BO‘LISHI ZARURIYATLARI	61
8. Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	69
9. Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммед Эшбекович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ	83
10. Muxamedov Yoqubjon Qodirovich G‘ARBIY TURK XOQONLIGI VA ERON SOSONIYLARI O‘RTASIDAGI DIPLOMATIK MUNOSABATLAR	91
11. Нарбеков Абдикамил Вафаевич НАСЕЛЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРИОД НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАЗМЕЖЕВАНИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ	102
12. Назаров Хумоюн Алишерович., Одилова Нилюфар Зоиржон кизи РЕЛИГИОЗНЫЕ ВЕРОВАНИЯ В СЕВЕРНОЙ БАКТРИИ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ КУШАН	116

13. Normurodov Dilmurod Rashidovich IX–XII-ASRLARDAGI TOSHKENT VOHASI (SHOSH-ILOQ)NING SHISHASOZLIGI	132
14. Olimjonov Xabibjon Abduxalim o‘g‘li TURKISTON ASSRDA KUTUBXONA ISHINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI CHORA-TADBIRLAR	147
15. Ochildiyev Fayzulla Bobokulovich O‘RTA OSIYO TEMIR YO‘LINING BUXORO AMIRLIGIGA KIRIB KELISHI VA TEMIR YO‘L BEKATLARINING FAOLIYATI	155
16. Rahmonqulova Zumrad Boyhurozovna O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA USMONIYLAR DAVLATI O‘RTASIDAGI IQTISODIY ALOQALAR TARIXIDAN	168
17. Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич ВКЛАД ВЫПУСКНИКОВ КАФЕДРЫ АРХЕОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ	178
18. Саипова Камола Давляталиевна УПРАВЛЕНИЕ В ТУРКЕСТАНСКОЙ АСС В ПЕРВЫЕ ГОДЫ СТАНОВЛЕНИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ	184
19. Сиддигов Равшан Бердимуратович ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР	189
20. Tog‘ayev Jasur Erkinovich QADIMGI DAVR ME‘MORCHILIGI TARIXIY REKONSTRUKSIYASIGA DOIR (JANUBIY O‘ZBEKISTON MISOLIDA)	206
21. Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШИ	214
22. Ubaydullayev Ikromjon Farxod o‘g‘li O‘ZBEKISTON HUDUDIDAGI ANTIK DAVLATLARNING TARIXIY UZVIYLIGI VA RIVOJLANISH JARAYONLARI	219
23. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich XIX ASRNING 60–70-YILLARIDA ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O‘LKASIDAGI YER EGALIGI VA MULKCHILIK MUNOSABATLARIGA OID SIYOSATI (Rasmiy amaldorlari va ishchi kommissiya vakillarining faoliyati misolida)	232
24. Холикулова Шахноза Баймахаматовна ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК КИМЁ КОРХОНАСИ ТАРИХИ	242
25. Холикулов Ахмад Баймахаматович ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)	252

26. Худойкуов Урал Каримович ЖАҲОН ОЗИҚ- ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА РИМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ	260
27. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ (XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)	268

Худойқулов У. К.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти., т.ф.н.

Ўзбекистон Миллий университети

Ural_karimovich@mail.ru**ЖАҲОН ОЗИҚ- ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА
РИМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ****АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада жоҳон озиқ – овқат хавфсизлигининг бугунги куннинг бош устуворлиги ҳамда рим декларациясининг аҳамияти. Мамлакатда етиштириладиган озиқ-овқат экинларининг аҳволи, истикболи ва турлари, улардан олинадиган ҳосилнинг мазали таъми ва фойдали хусусиятлари, Ҳозирги пайтда дунё миқёсида аҳоли сон ўсиши ва шу билан биргаликда, дунё аҳолисининг овқатланиш ҳамда озиқ - овқат маҳсулотига бўлган талаб ошиб бораётганлиги, шу билан биргаликда Дунё миқёсида озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш учун истеъмолини меъёрлаштиришга тежамкорликка амал қилишга киришиш масаласига катта аҳамият бериш лозимлиги, 1996 ва 2001 йилги Рим декларацияси қоида ва мажбуриятларни бажаришга қаратилганлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини бошқаришнинг янгича шакли намоён бўлишини илмий жиҳатидан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: озиқ – овқат Дунё миқёсида Рим декларацияси ташқи савдо муносабатлари, Ўзбекистон ғалла экспорти, жаҳон бозори, Европа иттифоқи.

КИРИШ

Бугунги куннинг муҳим аҳамиятга эга вазифаларидан бири халқаро ва давлатлар миқёсида қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги ҳудудларини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини кўриб чиқиш ҳисобланади. Мамлакатда етиштириладиган озиқ-овқат экинларининг аҳволи, истикболи ва турлари, улардан олинадиган ҳосилнинг мазали таъми ва фойдали хусусиятлари, уларнинг миллий иқтисодиёт ва экспортда тутадиган ўрни, биринчи навбатда, шу давлатнинг географик жойлашуви, унинг тупроқ-иқлим шароитига ва албатта шаклланган деҳқончилик маданияти ва савиясига, керак бўлса, муайян маҳсулотни етиштириш маҳоратига, бундай маҳсулотларнинг маҳаллий ва хорижий бозорларда нечоғлиқ харидоргир бўлишига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида «Бозор иқтисодиёти шароитида тенг ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш мақсадида «Мамлакат озиқ-овқат

хавфсизлигини янада самарали таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди» деб таъкидлаган[1]. Озиқ-овқат етишмовчилиги ёки озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги аҳоли орасида қониқарсиз озиқланишга олиб келиб, у ўз навбатида одамлар, оилалар ва бутун халқ учун жиддий оқибатларга олиб келади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Бугунги кунда жаҳонда тўйиб овқатланмаётганлар сони йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Дунё миқёсида глобаллашув жараёни давом этмоқда ва 2022 йилдан йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда дунё миқёсида аҳоли сон ўсиши ва шу билан биргаликда, дунё аҳолисининг овқатланиш ҳамда озиқ - овқат маҳсулотига бўлган талаб, ошиб бормоқда. Ночор аҳоли қатлами барча муаммолар билан биргаликда аҳолининг тўйиб овқатланиш имкониятига ҳам тўлиқ эга эмас. Дунё аҳолисининг 21,0 % кўп овқат ейдиганлар категориясига кирар экан. Бу 1,6 млрд кишини ташкил қилади. Дунё аҳолисининг 63,% (4,9 млрд) қанча ҳохласа ейиш имкониятига эга аҳоли қатламини ташкил қилади. Аммо 1,3 млрд. нафар аҳоли тўйиб овқатланиш имконияти эга эмас. Буларнинг аксарият қисми очарчиликдан азият чекмоқда. Бундай шароитда айрим мамлакатларда кўплаб озиқ – овқат маҳсулотлари исроф бўлмоқда[2]. Дунё миқёсида озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш учун истеъмолини меъёрлаштиришга, тежамкорликка амал қилишга киришиш масаласига катта аҳамият бериш лозим. Бугунги кунда биргина Ўзбекистонда ҳар йили 3 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари чиқиндига айланмоқда. Тошкент шаҳрида ҳар куни 2 тонна, йилига эса 730 тоннага яқин нон маҳсулоти чиқиндига ташланмоқда. 2019 йилда дунёда 1,64 миллиард тонна озиқ -овқат чиқиндига айланган. Қайд этилишича, йўқотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг фақатгина 25 % бутун дунёдаги очлик муммосини тўлиқ ҳал қилиш мумкин [3]. 2015 йилда жаҳон аҳолисининг тўйиб овқатланмаётган қатламини 11.8 %гача камайтириш режалаштирилган. Тўйиб овқатланмаётган аҳолининг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткични 1990-1992 йилларда қўйидаги ҳолатларда кўриш мумкин. Африка ва Саҳрои Кабирнинг жанубида жойлашган мамлакатларда 33 %, Жанубий Осиёда 26 %, Океанияда 14 %, Шарқий Осиёда 22 %, Жануби-Шарқий Осиёда 31 %, Ғарбий Осиёда 7 %, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатларида 15%, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида 14 %ни ташкил этган. 1990-2013 йилларда тўйиб овқатланмаётган аҳолининг камайиб боришини кузатиш мумкин. 2011-2013 йилларда эса бу кўрсаткич Африка ва

Саҳрои Кабирнинг жанубида жойлашган мамлакатларда 25 %, Жанубий Осиёда 17 %, Океанияда 12 %, Шарқий Осиёда 11 %, Жануби-Шарқий Осиёда 11 %, Ғарбий Осиёда 10 %, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатларида 8 %, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида 7 % кўрсаткичга эга бўлган. 1990-92 йилларда ривожланаётган мамлакатларда тўйиб овқатланмаётган аҳоли сони жами аҳолига нисбатан 24 %ни ташкил этган бўлса, 2011-2013 йилларда бу кўрсаткич 14 %га тушган [4]. Ўзбекистоннинг кўплаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозорида харидоргир бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган ва экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Юртимизда юқори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил этилди, томчилатиб суғориш тизими жорий этилмоқда. 2013 йилда узумчиликни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда тоқзорларни 1,3 баробар кўпайтириш кўзда тутилган. Кейинги йилларда республикамиз ташқи савдо таркибида ҳам чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобига сифат жиҳатидан ўзгармоқда. Кейинги йилларда экспорт таркибида рақобатбардош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Илгари республика аҳолисини боқиш учун 5 млн. тонна буғдой четдан импорт қилинган бўлса, истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар каторидан жой эгаллади [5].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди. Бу мамлакат аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,6 карра, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди. Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилади. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган Озиқ-овқат дастури аҳолининг тўлақонли ва мутаносиб тартиб асосида овқатланишини таъминлашдек муҳим вазифани ҳал этиш имконини берди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон қиймати 5 миллиард АҚШ долларига яқин бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган

кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробар ошди. Ўзбекистон дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилади. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа кўпга мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига қиради. 2004-2013 йилларда сабзавот етиштириш доллар ҳисобида 7,7 баробар, мева етиштириш 5,1 карра, полиз маҳсулотлари 7,8 марта, узум 8,7 баробар ўсди. 2020 йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан камида 2,3 марта кўпайтириш мўлжалланган [6].

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, 1990-2002 йиллар даврида озиқ-овқат хавфсизлигини нафақат глобал даражада, балки миллий, минтақавий ва шахсий даражаларда ҳам кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши зарурати 1996 ва 2002 йилларда ўтказилган ФАОнинг умумжаҳон саммитини ўз ичига олади. 1996 йилдаги саммитда бутун жаҳон озиқ-овқат хавфсизлигининг Рим декларацияси қабул қилинди. Рим декларациясида ўша даврнинг илмий ривожланишини инобатга олган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасига янги таъриф берилди. Бунда “озиқ-овқат хавфсизлиги барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан эга бўла олиши” белгиланди. Биринчи марта озиқ-овқат етишмаслигининг сабаблари бўлган иқтисодий, ижтимоий, табиий ва иқлимий жиҳатларга боғлиқ бошқа муаммолар билан бирга қашшоқлик муаммоси ҳам кўтарилди. Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш бутун дунё ҳамжамиятининг ягона мақсадга бирлашиши, яъни сайёрадаги ҳар бир инсонни озиқ-овқат билан таъминлаш комплекс ёндашувни ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни талаб этади, деган хулосага келинди.

2015-йилда дунёда оч одамларнинг сонини 2 мартагача қисқартириш бўйича мажбурият қабул қилинди. 2002 йилги жаҳон озиқ-овқат саммитида 179 давлатнинг (73 таси ҳукумат раҳбарлари) барча иштирокчилари 1996 йилги Рим декларацияси доирасида ўз мажбуриятларини бажаришга содиқлигини яна бир бор тасдиқладилар, шу жумладан, 2015 йилгача дунёдаги оч одамларнинг сонини қисқартириш барча даражаларда озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг пойдевори сифатида ҳам таъкидланди. Бунда озиқ-овқат хавфсизлиги таърифига жисмоний ва иқтисодий имкониятдан ташқари ижтимоий имконият тушунчаси ҳам қўшилди: “Барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат

маҳсулотларига эга бўлиши учун жисмоний, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари мавжудлигидир”. Шунингдек, бутунжаҳон озиқ-овқат саммити декларацияси ва уни амалга ошириш бўйича ҳаракат режаси қабул қилинди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажариш ва амалга ошириш учун доимий равишда мониторинг фаолиятини йўлга қўйиш зарурлиги белгиланди. Ушбу ёндашув ФАО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг очиқ маълумотлар базаси шаклланиши ва дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ишончли маълумотларни олиш имконини берди. 1996 ва 2001 йилги Рим декларацияси қоида ва мажбуриятларни бажаришга қаратилган бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини бошқаришнинг янгича шакли намоён бўлди. Бунга 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабаб бўлди ва 2009 йил Римда умумжаҳон саммити ўтказилди. Ушбу саммитда 50 та давлат раҳбарлари ва 180 дан ортиқ вазирлар иштирок этди. Озиқ-овқат хавфсизлигини икки ёқлама ёндашув асосида кўриб чиқилиши жорий этилди:

- 1) зудлик билан кўриладиган чоралар;
- 2) ўрта ва узоқ муддатли режалаштиришни кўшиб олиб бориш.

Ушбу саммит декларациясида озиқ-овқат хавфсизлигига янгича таъриф берилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги – барча инсонлар фаол ва соғлом ҳаёт кечириш учун ўзларининг зарур парҳез эҳтиёжлари ва дидларига мос хавфсиз ва қимматли озиқ-овқатга етарли миқдорда ҳар доим эга бўлишнинг жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий имкониятларидир. Бунда озиқ-овқат хавфсизлиги концепцияси жиддий ўзгаришларга учрамади ва фақатгина “қимматли озиқ-овқат” жиҳатлари билан тўлдирилди. Умуман олганда, кишилиқ жамияти тараққиётининг сўнгги 25 йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1990-2015 йиллар давомида дунё бўйича ўта қашшоқлик даражасидаги аҳоли сони 2,3 мартага, ривожланаётган мамлакатларда тўйиб овқатланмайдиган аҳоли қатлами 2 мартадан ортиққа камайган ёки ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг қатор жабҳаларида кўплаб ижобий ривожланиш натижаларини кузатиш мумкин. Лекин гарчи бу каби натижалар қанчалик ижобий тавсифга эга бўлмасин, жаҳон аҳолисининг барқарор озиқ-овқат таъминоти тўлақонли ўз ечимини топа олгани йўқ [7].

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг асосий мақсади ички ва ташқи салбий таъсирга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ишловчи корхоналарни хомашё, аҳолини- озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. У ҳатто валютанинг етишмаслиги, четдан маҳсулотларни олиб киришда эмбарго (бошқа мамлакатлар томонидан тўсиқлар қўйиш) нархларнинг ўсишига боғлиқ бўлмаган бўлиши керак. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг муҳим шартлари.

Биринчидан, ҳар бир инсон учун озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши (унинг таклифига кўра етарли миқдорда бўлганлиги);

Иккинчидан, аҳоли барча итимоий тоифалари, шу жумладан кам таминланган аҳоли томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишнинг иқтисодий жиҳатдан имконияти (истеъмолчилик талабининг тўлов қобилияти);

Учинчидан, меъёрга овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши [8].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, Дунё миқёсида глобаллашув жараёни давом этмокда ва 2022 йилдан кенгайиб бормокда. Ҳозирги пайтда дунё миқёсида аҳоли сон ўсиши ва шу билан биргаликда, дунё аҳолисининг овқатланиш ҳамда озиқ - овқат маҳсулотига бўлган талаб, ошиб бормокда. Дунё миқёсида озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш учун истеъмолини меъёрлаштиришга тежамкорликка амал қилишга киришиш масаласига катта аҳамият бериш лозим. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш бутун дунё ҳамжамиятининг ягона мақсадга бирлашиши, яъни сайёрадаги ҳар бир инсонни озиқ-овқат билан таъминлаш комплекс ёндашувни ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни талаб этади, деган хулосага келинди. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг асосий мақсади ички ва ташқи салбий таъсирга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ишловчи корхоналарни хомашё, аҳолини - озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. У ҳатто валютанинг етишмаслиги, четдан маҳсулотларни олиб киришда эмбарго (бошқа мамлакатлар томонидан тўсиқлар қўйиш) нархларнинг ўсишига боғлиқ бўлмаган бўлиши керак.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // «Халқ, сўзи», 2017 йил 23 декабрь.
2. Продовольственная безопасность и изменение климата Доклад Группы высокого уровня по продовольственной безопасности и питанию Комитета по Всемирной продовольственной безопасности, Рим, 2012 год. www.fao.org/cfs/cfs-hlpe.
3. ЎЗМА.Фонд М- 165, руйхат 1 йиғма жилд-7. 20 бет)
4. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги. UNDP. 2010. Б. 4-13.
5. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент “Ўзбекистон” 2009. Б. 9-12.

6. 2013 йил январ-декабр ойларида республикада озиқ-овқат саноатининг ривожланиши яқунлари. <http://stat.uz/uz/press/4/7331/sphraseid109876>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентли 2024 йилдаги маълумотлари асосида.

7. Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. – 257 б.

8. Тарихий тадқиқотлар илмий журнали. Тошкент- 2024 йил. 161- 168 бет.

Худойкулов У. К.

К.и.н., доцент кафедры «История Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

Ural_karimovich@mail.ru

ПРИОРИТЕТЫ ВСЕМИРНОЙ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ И РИМСКАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ

АННОТАЦИЯ

В этой статье безопасность пищевых продуктов является главным приоритетом современности и важностью Римской декларации. Состояние, перспективы и виды выращиваемых в стране продовольственных культур, восхитительный вкус и полезные свойства получаемого от них урожая. В настоящее время население мира растет, а спрос на продукты питания и продукты питания населения мира увеличивается. Для обеспечения безопасности пищевых продуктов на мировом уровне необходимо придавать большое значение вопросу умеренности потребления и следить за экономией, на выполнение правил и обязательств направлена Римская декларация 1996 и 2001 годов, формируется новая форма управления вопросами безопасности пищевых продуктов. научно проанализированы.

Ключевые слова: продовольствие в мире, Римская декларация, внешнеторговые отношения, экспорт зерна Узбекистана, мировой рынок, Евросоюз.

Xudoykulov U. K.

PhD., associate professor at the department of «History of Uzbekistan»

National university of Uzbekistan

Ural_karimovich@mail.ru

WORLD FOOD SECURITY PRIORITIES AND ROME DECLARATION

ABSTRACT

In this article, food safety is the main priority of today and the importance of the Rome Declaration. The condition, prospects and types of food crops grown in the country, the delicious taste and useful properties of the harvest obtained from them. Currently, the world's population is growing, and with it, the world's population's demand for food and food products is increasing. It is necessary to attach great importance to the issue of regulating consumption and implementing conservation measures to ensure food security on a global scale. The Rome Declaration of 1996 and 2001 focused on the implementation of rules and obligations, and a new form of food safety management has emerged. scientifically analyzed.

Keywords: food - food Rome Declaration on the world scale, foreign trade relations, Uzbekistan grain exports, world market, European Union.